

Берган нарсани миннат қилиш



16:45 / 17.01.2019 8135

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй иймон келтирганлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!» (Бақара сураси, 264).

Калбий: «Қилган садақасини Аллоҳга миннат қилиш ва олган одамга озор бериш билан», деб тафсир қилганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: **«Қиёмат кунда Аллоҳ уч тоифа одамга гапирмайди, қарамайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бордир: кийимини узун қилиб ерга судраб юривчи, миннатчи ва ёлғон қасам билан молини ўтказувчи»** (Муслим ривояти).

Бошқа бир ҳадисда: **«Қиёмат кунда Аллоҳ уч тоифа одамга - ота-онасига оқ бўлган, маст қилувчи нарсаларга муккасидан кетган ва берган нарсасини миннат қилган одамга қарамайди. Шунингдек, уч тоифа кимса жаннатга кирмайди: ота-онасига оқ бўлган, даюс ва эркакшода аёл»**, дейилган (Насоий, Баззор ривояти).

Эркакшода аёлдан мурод эркакларга тақлид қиладиган аёлдир.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Маккор-алдамчи, миннатчи ва бахил жаннатга кирмайди»** (Термизий ривояти).

«Яхшиликни миннат қилишдан эҳтиёт бўлинглар, чунки у шукрни йўқ қилади, ажрни кетказди», деган хабар ҳам ривоят қилинган.

Ибн Сийрин бир кишининг бошқа бировга, сенга яхшилик қилдим, ундоқ қилдим, бундоқ қилдим, деяётганини эшитиб қолдилар-да, унга: «Жим бўл. Агар саналадиган бўлса, яхшиликларда наф йўқ», дедилар.

Айрим уламолар айтган эканларки: «Ким қилган яхшилигини миннат қилса, ношукр бўлади, ким ўз амалидан ғурурланса, ажри кетади».

Имом Шофеъий қуйидаги маънодаги мисраларни ўқиган эканлар: «Одамларга оғирлигинг тушмасин, токи сенга миннат қилишмасин. Ўзингнинг улушингни ихтиёр қилиб сабр эт, зеро сабр жаннатдир. Бировларнинг миннати қалбга тишлагандан кўра қаттиқроқ таъсир қилади».

«Гуноҳи кабиралар» китобидан